

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ХҲЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ



Тошкент давлат аграр
университети - 90 ёшда:
тарих, бугун ва истиқбол



ТОШКЕНТ 2020

**THE MINISTRY OF AGRICULTURE OF THE REPUBLIC OF
UZBEKISTAN
TASHKENT STATE AGRARIAN UNIVERSITY**

**МИНИСТЕРСТВО СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА РЕСПУБЛИКИ
УЗБЕКИСТАН
ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ АГРАРНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**

PROCEEDINGS
of the international conference dedicated to the 90th anniversary of the establishment
of Tashkent state agrarian university
**“ACTUAL THEORETIC - PRACTICAL PROBLEMS AND THEIR
SOLUTIONS IN THE AGRICULTURAL SCIENCE”**
14-15 December, 2020 y.

СБОРНИК
международной конференции, посвящённой 90 летию образования
Ташкентского государственного аграрного университета
**«АКТУАЛЬНЫЕ ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ И ПРАКТИЧЕСКИЕ ПРОБЛЕМЫ
АГРАРНОЙ НАУКИ И ИХ РЕШЕНИЕ»**
14-15 декабря, 2020 г.

**АГРАР ФАН НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИДАГИ ДОЛЗАРБ
МУАММОЛАР ВА УЛАРНИНГ ЕЧИМЛАРИ**
“Тошкент давлат аграр университети ташкил этилганлигининг 90 йиллигига”
бағишланган халқаро конференциянинг
МАТЕРИАЛЛАР ТЎПЛАМИ
2020 йил 14-15 декабрь

Tashkent, Uzbekistan

Соя етиштиришнинг бугунги кундаги аҳволи ва истиқболлари <i>Ёрматова Д.Ё.</i>	623
Ингичка толали ғўза навларини суғориш муддатларини тезкор аниқлаш <i>Абдуллаев Ж.У., Норқулов У., Авлякулов М.А.</i>	627
Тупрокни ишлашда ресурстежовчи технологияларнинг кузги буғдой навлари ҳосилдорлигига таъсири <i>Нурбеков А.И., Азизов Ш.Ш., Зухриддинов М.Р.</i>	631
Препарат глифор 75,7 % в.д.г. против сорняков на пшенице <i>Ажиниязова М.К., Сайымбетов А., Атамуратов А.С.</i>	635
Орол худуди минтақаларининг сувғориладиган ерларида қисқа ротацияли алмашлаб экишнинг аҳамияти <i>Садиқов Е.П., Сайтназаров Г.У., Бердикеев Б.Б., Жумашев Б.А.</i>	639
Суғориладиган шароитда маржумак етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги <i>Азизов Б.М., Исроилов Б.А., Аясов Х.Ғ.</i>	643
Мевали боғларда олхўри мевахўри (<i>grapholitha funebrana</i>) қарши инсектицидларнинг самарадорлиги <i>Анарбаев А.Р., Турғунбоева Д.К., Собиров Б.Б.</i>	649
Қаттиқ буғдой: ҳосилдорлик ва сифат <i>Рахимов А.Р., Халилов Н.</i>	652
Силлиқ ширинмиянинг ўсиши ва ривожланишига уруғини экиш меъёри ва маъдан ўғитларнинг таъсири <i>Атабаева Х.Н., Тажетдинов Н.Д.</i>	655
Гербицид қўллашнинг ерёнғок навлари ўсиши ва ҳосил структурасига таъсири <i>Achilov F.S., Siddiqov R.E., Xikmatov J.B.</i>	660
Шоли кўчатларини механизмлар ёрдамида экиш учун махсус кўчатхоналарда парваришлаш технологияси <i>Эргашев М.А., Телляев Р.Ш.</i>	666
Тритикале навлари уруғларининг дала шароитида унувчанлигига экиш муддатлари ва меъёрларининг таъсири <i>Бобатова У.Д.</i>	671
Кузги буғдой экиш меъёрини уруғларнинг дала унувчанлигига таъсири <i>Илёсов А.А.</i>	676
Ўзбекистоннинг суғориладиган зоналарида вирджиния типига мансуб тамакини инновацион технологиялар асосида етиштириш <i>Джумабоев С., Каримова Х.Б.</i>	680
Мош навларининг ўниб чиқиши ва ўсиб ривожланишига экиш муддати ва меъёрларининг таъсири <i>Осербоева Т., Есбоганов Р., Турымбетов Р.</i>	684
Сабзавот экинларини тежамкор суғориш усулларида суғориш <i>Илхамов Н.М., Шералиев Х., Тухтамшиев М.А.</i>	688

КУЗГИ БУҒДОЙ ЭКИШ МЕЪЁРИНИ УРУҒЛАРНИНГ ДАЛА УНУВЧАНЛИГИГА ТАЪСИРИ

Илёсов Ашраф Акбарович

Бухоро давлат университети катта ўқитувчиси, Бухоро.

INFLUENCE OF WINTER WHEAT SOWING NORM ON FIELD GERMINATION OF SEEDS

Ilyosov Ashraf Akbarovich

Senior teacher of Bukhara state university, Bukhara

Annotation

One of the main criteria of economic stability of every agricultural enterprise which operate in market economy is the effective use of available resources and opportunities. Meanwhile, cultivating the planned amount of seedlings using economical seed materials is one of the most important agro-technical requirement.

For this purpose, a field experiment was conducted in the soil and climatic conditions of Bukhara region to study the effect of sowing rates on seed germination. It is evidenced that, when sowing rate in experimentally tested sorts was increased from 4.5 million/hectare to 6.5 million/hectare seed germination rate decreased to 1-3%.

Keywords: *winter wheat, grain, seed, sowing rate, germination.*

Аннотация. Бозор иқтисодиёти шароитида фаолият юритаётган ҳар бир қишлоқ хўжалик корхоналари мавжуд ресурс ва имкониятлардан самарали фойдаланиши иқтисодий барқарорликнинг асосий мезонларидан бири ҳисобланади. Уруғлик материалдан тежамкорлик билан фойдаланган ҳолда режалаштирилган кўчат миқдорини ундириб олиш муҳим агротехник талаблардан бири ҳисобланади.

Ана шу мақсаддан келиб чиққан ҳолда Бухоро вилояти тупроқ-иқлим шароитида дала тажрибаси ўтказилиб унда экиш меъёрининг уруғликларни дала унвчанлигига таъсири ўрганилди. Шунга кўра тажрибада синалган навларда экиш меъёри 4,5 млн/га дан 6,5 млн/га га қадар оширилганда уруғларнинг дала унвчанлиги 1-3% гача камайиши кузатилди.

Калит сўзлар: *кузги буғдой, уруғлик, дон, экиш меъёри, унвчанлик.*

Ҳозирги кунда мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги соҳасида юз фоиз экин майдонлари деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳамда кластерлар ихтиёрига ўтган.

Ўзига ажратилган экин майдонининг ҳар бир қаричидан унумли фойдаланишни мақсад қилган деҳқон ёки фермер албатта уруғлик, ўғит, сув, ёқилғи мойлаш материалларининг ҳар бир килограмидан имкон қадар самарали фойдаланишга ҳаракат қилиши табиий. Бу борада албатта улар соҳа олим ва мутахассисларининг тавсияларига таянадилар.

Шундай экан Бухоро вилоятининг ўтлоқи аллювиал тупроқлари шароитида мослаша оладиган кузги буғдой навларини танлаш, уларнинг нав хусусиятидан келиб чиққан ҳолда кўчат қалинлигини, ўсимликнинг ўсиш ва ривожланишига, ҳосилдорликка, ҳосил сифати ва иқтисодий самарадорликка таъсирини аниқлаш дончилик соҳасида муҳим аҳамият касб этадиган масалалардан биридир.

Шундан келиб чиққан ҳолда Бухоро вилоятининг тупроқ-иклим шароитига мос келадиган кузги буғдой навларини танлаш ва ушбу навлар экиш меъёрларини уларнинг дала унувчанлигига, туп сон қалинлигига, ўсимликнинг ўсиш ва ривожланишига, ҳосилдорликка, ҳосил сифатига ва иқтисодий самарадорликка таъсирини ўрганиш мақсадида дала тажрибаси ўтказилди.

Кузги буғдойнинг экиш меъёрининг ўсимлик ҳосилдорлик хусусиятлари хусусан дала унувчанлигига таъсирини ўрганиш мақсадида бир қанча тажрибалар ўтказилиб уларнинг натижалари турли илмий мақолаларда эълон қилинган.

Шимолий Украинада Синильников тажриба станциясида С.С.Сокоделов (1983) кузги буғдойнинг "Днепровская-775", "Днепровская-846", "Одесская-51" навлари устида илмий изланишлар олиб бориб, уларнинг экиш меъёри, экиш муддати ва ўғитлаш меъёрларини ўрганган.

Тажрибада кузатилишича экиш меъёри ортиши билан уруғларни униб чиқиш даражаси камая борган. Аниқроғи уруғлар униб чиқишни бошлаб, аммо униб чиқа олмасдан қолиб кетган. Бунинг сабабини С.С.Сокоделов ҳар бир уруққа тўғри келадиган тупроқ намлигини етишмаслиги билан изоҳлайди.[1,4]

Илмий тадқиқот ишларининг асосий қисми кузги буғдой навлари орасидан Бухоро вилояти тупроқ-иклим шароитига мос келадиганларини танлаш ва улардан юқори ва сифатли ҳосил етиштириш учун энг мақбул кўчат қалинлигини ўрганишдан иборат. Шундан келиб чиқиб уч йил мобайнида илмий тадқиқот ишлари олиб борилди. Тажрибада кузги буғдойнинг 5 та "Купава", "Крошка", "Княжна", "Половчанка", навлари 3 хил 4-5-6 млн.туп/га кўчат қалинлигида экиб ўрганилди. Андоза нав сифатида "Скифянка" нави олинди. Ҳар бир бўлинманинг майдони 50 м² ни, умумий тажриба майдони эса 750 м² ни ташкил этди.

1- жадвал.

ТАЖРИБА ТИЗИМИ

Вариант	Навлар	Кўчат қалинлиги
1	Скифянка	4 -4,5млн/га
2	Купава	4 -4,5млн/га
3	Крошка	4-4,5 млн/га
4	Княжна	4-4,5 млн/га
5	Половчанка	4-4,5 млн/га
6	Скифянка	5-5,5 млн/га
7	Купава	5-5,5 млн/га
8	Крошка	5-5,5 млн/га
9	Княжна	5 -5,5млн/га
10	Половчанка	5 -5,5млн/га
11	Скифянка	6- 6,5млн/га
12	Купава	6 - 6,5млн/га
13	Крошка	6 - 6,5млн/га
14	Княжна	6 - 6,5млн/га
15	Половчанка	6 - 6,5млн/га

Ҳар қандай қишлоқ хўжалик экинининг экиш меъёри унинг ҳосилдорлигини белгиловчи асосий кўрсаткичлардан бири бўлган кўчат қалинлигига таъсир кўрсатувчи асосий омилдир.

Маълумки, дала шароитида экилган унувчан уруғларнинг ҳаммаси ҳам униб чиқавермайди. Уларнинг дала унувчанлигига уруғликнинг сифати тупроқ шароити, намлик ва иқлим шароити ўз таъсирини кўрсатади.

Уруғлик экиш меъёри ҳам уруғларнинг дала унувчанлик даражасига таъсир этувчи омиллардан бири бўлиб, меъёр оширилган сайин уруғларнинг дала унувчанлик даражаси пасайиб боради. Бунда уруғлар униб чиқа бошлаган тақдирда ҳам тупроқ юзасига чиқа олмасдан нобуд бўлиб кетади. Бунга сабаб ҳар бир урукқа тўғри келадиган тупроқ намлигининг етишмаслиги ва уруғларнинг тўлик униб чиқа олмаслигига яна бир сабаб нисбатан колеоптил узунлиги қисқароқ бўлган уруғларда колеоптил тупроқ юзасига чиқмасдан очилиб ўсимта тупроқ қаршилигини енга олмайди ва майса униб чиқа олмайди .[1,3,5]

Андоза "Скифянка" навида тажрибанинг биринчи йилида 4,5 млн/га уруғ экилган вариантда 4,1760 млн уруғ униб чиқиб дала унувчанлиги 92,8% бўлди. 5,5 млн уруғ экилган вариантда 5,0435 млн уруғ униб чиқиб дала унувчанлиги 91,7%, 6,5 млн уруғ экилган вариантда 5,759,0 млн уруғ униб чиқиб дала унувчанлиги 88,6% бўлди. Тажрибанинг иккинчи йилида меъёрлар бўйича дала унувчанлиги тегишлича 88,7; 87,3 ва 85,4% га, тажрибанинг учинчи йилида эса худди шундай 92,6, 91,8, 89,9% га тенг бўлди. Тажрибанинг учала йили бўйича ўртача дала унувчанлик даражаси меъёрлар бўйича тегишлича 91,3-90,2-87,9% га тенг бўлиб, экиш меъёрининг кўпайиши билан дала унувчанлик даражаси камая борди (2- жадвал).

"Купава" навида тажрибанинг биринчи йилида 4,5 млн уруғ экилган вариантда 4,3110 млн уруғ униб чиқиб дала унувчанлик 95,8% ни 5,5 ва 6,5 млн/га уруғ экилган вариантларда 5,1975 млн ва 6,0645 млн дона уруғ униб чиқиб дала унувчанлиги 94,5 ва 93,3% га тенг бўлди. Тажрибанинг 2 ва 3 йилларида ҳам шунга ўхшаш ҳолат такрорланиб ушбу навда уч йил мобайнида ўртача уруғларнинг дала унувчанлиги меъёрлар бўйича тегишлича 93,7-92,4-90,4% га тенг бўлди (.2- жадвал).

"Крошка" ва "Княжна" навларида дала унувчанлиги "Купава" навида қараганда бир оз пастроқ. "Крошка" навида дала унувчанлиги меъёрлар бўйича ўртача уч йилда 91,6-91,0-90,4%, "Княжна" навида эса 92,0-91,1-89,0% га тенг бўлди.

"Половчанка" нави эса ҳақиқатдан нав муаллифлари таъкидлашганидек, шўрланишга мойил ва ноқулай тупроқ шароитларида энг чидамли навлардан бири эканлигини уруғларнинг униб чиқиш жараёнидаёқ намоён қила бошлади. Ушбу навда уруғларнинг дала унувчанлиги меъёрлар бўйича ўртача уч йилда тегишлича 93,1-92,3-91,9% га тенг бўлиб, "Купава" нави билан деярли бир хил, андоза навга нисбатан 1,8-2.1-4,0% га юкори бўлди .

Умуман олганда уруғларнинг дала унувчанлиги борасида синалаётган тўртала нав ҳам андозанавга нисбатан ўз устунлигини кўрсатган бўлсада "Купава" ва "Половчанка" навларида бошқа навларга қараганда яхшироқ натижа кузатилди. Барча навларда экиш меъёри 4,5 млн/га дан 6,5 млн/га га қадар оширилганда уруғларнинг дала унувчанлиги 1-3% гача камайиши кузатилди.

Экиш меъёрларини кузги бугдой уруғларининг дала унувчанлигига таъсири.

Йил Лар	Экиш меъри млн. туп\га	Кузги бугдой навларининг дала унувчанлиги				
		"Скифян ка"	"Купава"	Крошка	Княжна	Половчанка
1йил	4-4,5 млн	92,8	95,8	92,5	92,1	93,1
	5-5,5 млн	91,7	94,5	91,6	91,3	92,0
	6-6,5 млн	88,6	93,3	91,1	88,9	91,8
2йил	4-4,5 млн	88,7	91,8	90,7	91,3	92,4
	5-5,5 млн	87,3	90,3	90,1	90,5	91,8
	6-6,5 млн	85,4	88,7	89,2	88,1	90,9
3йил	4-4,5 млн	92,6	93,5	91,8	92,7	94,0
	5-5,5 млн	91,8	92,5	91,5	91,7	93,3
	6-6,5 млн	89,9	89,3	91,0	90,2	93,2
Ўртача 3 йилда	4-4,5 млн	91,3	93,7	91,6	92,0	93,1
	5-5,5 млн	90,2	92,4	91,0	91,1	92,3
	6-6,5 млн	87,9	90,4	90,4	89,0	91,9

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. С.С.Сокоделов «Влияние норм высева на урожай и качества зерна озимой пшеницы». Бюллетен.ВНИИ «Кукуруза» 1983.
2. Х.Каримов. «Кузги бугдойнинг «Крошка» навининг экиш меъерини ўсиш ривожланиши ва хосилдорликка таъсири». «Ўзбекистон аграр фани хабарномаси».2002й.№2(8) 115 бет.
3. А.А.Илёсов. Р.Ш.Тилляев. «Бухоро вилояти тупрок-иклим шароитида кузги бугдой кучат калинлигининг хосилдорлик ва иктисодий самарадорликка таъсири» «Ўзбекистон Аграр фани хабарномаси» 2003йил.18-20 .б.
4. Ш. Абдуалимов «Бугдой мўл ҳосили олай десангиз».Ж. «Ўзбекистон кишлок хўжалиги».2004 №6 10 бет.
5. А.А.Илёсов. «Влияние густоты стояния растений на зимостойкости и урожайности озимой пшеницы в климатических условиях Бухаской области» «Аграрная наука-сельскому хозяйству». Международная научно-практическая конференция. Сборник статей. Книга 3. Барнаул 2006 г.